

“Ochiqlik indeksi” reytingi: Farg‘ona viloyati hokimligi 3-o‘ringa ko‘tarildi

2018 yil 30 mart kuni soat 11.00 da Toshkent shahrida O‘zbekiston Respublikasi Oliy majlis Qonunchilik palatasi binosida davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari axborot xizmati rahbari-matbuot kotiblari, OAV vakillari ishtirokida palataning Axborot va kommunikatsiya texnologiyalari masalalari qo‘mitasi tomonidan brifing o‘tkazildi.

Unda respublika bo‘yicha davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining 2017 yil davomidagi faoliyati “ochiqlik indeksi”ning reyting natijalari e‘lon qilindi.

Baholangan 100 ballik tizimda Farg‘ona viloyat hokimligi faoliyati ochiqligi ko‘rsatkichlari jami **80 ball**ni tashkil etganligi hamda hokimiyatlar bo‘yicha - Toshkent shahri (89 ball) va Namangan viloyati (87 ball) hokimliklaridan keyin **3 o‘rinda**; barcha (**52 ta**) davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari bo‘yicha esa **22 o‘rinda** qayd etildi.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти “очиқлиги индекси”нинг РЕЙТИНГИ (2018 й, 1 январьга бўлган ҳолати давлат органларининг турлари бўйича)

№	Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари	01.01.2018га кўрсаткич
Вазирликлар		
1.	Ўзбекистон Республикаси Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	93
2.	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	93
3.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	92
4.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	92
5.	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Меҳнат муносабатлари Вазирлиги	88
6.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги	85
7.	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги	85
8.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлиги	83
9.	Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	83
10.	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги	79
11.	Ўзбекистон Республикаси Молчи Вазирлиги	78
12.	Ўзбекистон Республикаси Инки ишлар вазирлиги	78
13.	Уй-йўй коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	78
14.	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги	76
15.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги	76
16.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги	75
Қўмиталар		
1.	Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси	95
2.	Ўзбекистон Республикаси Давлат боёқхона қўмитаси	89
3.	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси	88
4.	Ўзбекистон Республикаси Хусийлаштирилган корхоналарга қўмақлаш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	87
5.	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	85
6.	Ўзбекистон Республикаси Урмон ҳўжалиги давлат қўмитаси	78
7.	Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат қўмитаси	77,5
8.	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф –муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	77
9.	Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси	76
10.	Ўзбекистон Республикаси Ветеринария давлат қўмитаси	75,5
11.	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси	75
12.	Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	62
13.	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва ҳўрилиш қўмитаси	33
Ҳокимиятлар		
1.	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	89
2.	Наманган вилояти ҳокимлиги	87
3.	Фарғона вилояти ҳокимлиги	80
4.	Навои вилояти ҳокимлиги	79,4
5.	Бухоро вилояти ҳокимлиги	79
6.	Тошкент вилояти ҳокимлиги	79
7.	Хоразм вилояти ҳокимлиги	78,2
8.	Қорақўлғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши	77
9.	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги	76,6
10.	Жиззах вилояти ҳокимлиги	76,5
11.	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги	75,5
12.	Самарқанд вилояти ҳокимлиги	75
13.	Сирдарё вилояти ҳокимлиги	67
14.	Андижон вилояти ҳокимлиги	53
Агентликлар		
1.	Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги	87
2.	Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги	86
3.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳўзурдаги ўз архив агентлиги	85
4.	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги	79
5.	Ўзбекистон матбуот ва аxbорот агентлиги	75
Марказлар		
1.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	94
2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Маҳкамаси Давлат Тест Маркази	82
3.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими маркази	72
4.	Ўзбекистон Республикаси давлат рақобат қўмитаси ҳўзурдаги Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази	71

foto: xabar.uz

Yig‘ilishda shuningdek, sohada otgan yilga nisbatan ijobiy o‘zgarishlarga, jumladan, Farg‘ona viloyati hokimligi faoliyatining ochiqlik ko‘rsatkichlarida **2017 yil 1 yanvar holatiga nisbatan o‘shirgan erishilganligi** (2017 yil 1 yanvar holatiga 46 ballni tashkil qilib, respublika hokimiyatlari (14 ta) bo‘yicha 13 o‘rinda, barcha (47 ta) davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari bo‘yicha esa 45 o‘rinda qayd etilgan edi) ta’kidlab o‘tildi.

Ma‘lumot sifatida aytib o‘tish lozimki, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015 yil 6 noyabrdagi 320-son qarori ilovasiga ko‘ra, davlat hokimiyati va boshqaruv organlari faoliyatining ochiqlik ko‘rsatkichlari 66 punktdan iborat mezonlarga ko‘ra baholanadi.

Bundan tashqari, yig‘ilishda sohada qo‘llanilayotgan yangiliklar va amalga oshirilishi rejalashtirilayotgan ishlar to‘g‘risida ma‘lumotlar, aniqlangan kamchiliklarni bartaraf etish bo‘yicha tavsiyalar berildi hamda ochiqlik bo‘yicha mas‘ul bo‘lgan davlat hokimiyati va boshqaruv organlari axborot xizmati rahbari-matbuot kotiblari mazkur sohani yanada rivojlantirish uchun belgilangan normativ-hujjatlarga asosan,

o'zaro hamkorlikda ish yuritishi zarurligi, mas'uliyatni yanada kuchaytirish kerakligi ta'kidlandi.

2018-03-31 21:38:58